

# Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 11-ОКТАБР, ЖУМА, 123 (8204)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган  
Bahosi kelishilgan narxda.



Селекционер олимларимиз мустақиллик йилларида 196 дан ортиқ янги гўза навини яратдилар. Булардан 55 таси Ўзбекистон Давлат реестрига киритилди ва ҳудудларда экиш учун рухсат берилди. Янги навлар серҳосил, тезпишар, барча кўрсаткичлар бўйича жаҳон бозори талабларига жавоб беради, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, энг муҳими, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароити инobatта олинб яратилган.



Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртинг осойишталигини таъминлайдиган асосий омилдир. “Микрокредитбанк” тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўзининг катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга кириб боришни мақсад қилган.



Шогирдларига ибрат бўлган мураббийнинг ўзи ҳам бир неча бор нуфузли мусобақалар голиби бўлган. Спорт устаси, белбоғли кураш бўйича биринчи тоифали мураббий, республика тоифасидаги ҳакам, фахрийлар ўртасидаги кураш мусобақаларининг бир неча бор совриндори ҳамда белбоғли кураш туман терма жамоаси бош мураббийи ҳисобланади.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Тошкентда “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буок ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида ташкил этилган “Ипак йўлидаги туризм” ўн тўққизинчи Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси яқунланди. Анжуманда қирқдан ортиқ мамлакатдан етти юздан зиёд фирма ва компания вакиллари иштирок этди.

▶ Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимида “Олтин куз” деб номланган кўргазма очилди. Унда қорақалпоғистонлик 18 мўйқалам соҳибининг олтимишдан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

▶ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан “Ибрат бўлиш масъулияти” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

▶ Андижонда фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

▶ Фарғонада ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Ораса қизлар” республика кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.

## Фарғона Вилояти



Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Кимё саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирidir. Бу жараён, аввало, маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланишга йўналтирилган илгор технологияларни жорий этишга асосланган бўлиб, у янги турдаги юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш имконини беради. “Фарғонаазот” очиқ акциядорлик жамиятида ҳам мазкур йўналишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

“Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси таркибидagi мазкур жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўнлаб хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Мустиқиллик йилларида корхона ҳар томонлама ривожланди. Изчиллик билан ўтказилган техник ва технологик янгилан, модернизация ишлари тўғрисида корхонада экологик жиҳатдан жаҳон стандартлари

га тўла жавоб берадиган магний хлориди дефолианти цехи маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Аммиакли селитра ҳамда тўйинган азот кислотаси цехлари ҳам ишга туширилди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг кимё тармоғини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, мамлакатимиз хомашё захираси бойлиги, юқори малакали кадрлар

мавжудлиги ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтириш имконини бермоқда, – дейди жамият бошқаруви раиси А.Солижонов. – Кўллаб истиқболли лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида халқаро талаблар асосида сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш борасида ҳам жамиятда аниқ тадбирлар белгилаб олинган. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган зарарли чиқиндиларни ҳавога, сувга ва оқова тармоқларга чиқаришда уларни зарарсизлантириш чораларини кўрувчи цех ва бу соҳадаги ишларни назорат қилиб борувчи бўлим фаолият кўрсатмоқда. 2007 йилдан бошлаб бу ерда сифат менежменти тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги “2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарори доирасида жамиятда “Карбамид ва аммиакли селитра ишлаб чиқариш цехларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Айни пайтда корхонада етти ярим мингдан зиёд ишчи-хизматчи, муҳандис ва техник ходим меҳнат қилмоқда. Кимё саноатидаги бундай ижобий натижалар мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқимиз фаровонлигини оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

М.СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА муҳбири.

## Андижон Вилояти

## СИФАТ ВА САЛМОҚ УЙҒУНЛИГИ – МУҲИМ МЕЗОН

Йиғим-терим қизгин паллага кирган айни кунларда Қўрғонтепа туманидаги “Келажак садоқати” фермер хўжалигида бўлди. 40 гектардан зиёд майдонда гўзанинг “Андижон-36” навини парвариш қилган фермер хўжалиги оғзаларининг димоғи чоғ эди. Дала манзараси ҳар қандай теримчининг гайратига гайрат, шижоатига шижоат қўшадиган даражада чиройли эди. Ҳар чанокдаги пахта бемалол қафтингизни ёпа олади. Фермер Голибжон Мамадалиевнинг юз-кўзидаги самимийликни кўриб, ёз бўйи қилган меҳнатидан миннатдор эканини сезиш қийин эмасди.

Шу чоғда ушбу ҳудуддаги фермер хўжалиқларининг пахтасини қабул қилиб оладиган “Сўфиқишлоқ” пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдурахим Абдуллаев келиб қолди. Бу инсонни кўпдан буён биламиз. У имкон қадар фермерларнинг даласига келиб кетишни қанда қилайди. Узаро мулоқотда сифат ва микдор уйғунлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани айтилди.

ерда бўлган эдим, – дейди Абдурахим Абдуллаев лўппи-лўппи пахталарни қўлига олиб. – Голибжон Мамадалиев даласида терим бошланганини эшитиб, бу томонга келдим. Кеча Дардоқ массивида бўлиб, у ердаги олпоқ пахтазорларни кўриб ҳавасим келган-ди. Аввало, селекционерларга, қолаверса, агротехник тадбирларни вақтида бажариб, олий навли пахта етиштириётган фермерларга ҳам раҳмат. Корхонамиз билан ҳамкорликда ишлаётган фермер-

ларнинг кўпчилиги “Андижон-36” навиға илос қўйишган. Ушбу навдаги гўза пахтасидан олинадиган тола IV тинга мансуб. Қайта ишловчилар бу навдаги пахтадан кўпроқ тола чиқишни яхши билишади. Экспертларнинг хулосаларига кўра, мазкур нав пахтаси бемалол “Бухоро-6” билан рақобатлаша олади.

“Сўфиқишлоқ” пахта тозалаш ОАЖ меҳнат жамоаси бир неча йилдан буён пойтахтимизда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида иштирок этиб келмоқда. Сўнгги йилларда улар ушбу халқаро ярмарка қатнашчилари эътиборига “Андижон-36” навли гўза пахтасидан олинган толаи ҳавола этишмоқда. Йиғим-теримнинг сал кечроқ бошланганига қарама-дан сентябрь ойининг сўнгги ўн кўнлигида корхонада 592 тонна тола ишлаб чиқарилди. Тайёрланган маҳсулотнинг бир қисми ҳадемай бошланадиган IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик

ярмаркаси павильонларидан жой олади.

Мазкур корхона муҳандис-техник ходимлари ва ишчилари деҳқонлар томонидан етиштирилган ҳосилни қабул қилиб олиш баробарида қайта ишлашни ҳам уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Асосий эътибор сифатни янада яхшилашга қаратилмоқда. Чунки сифат кўрсаткичининг ортиши эвазига толаннинг нархи ҳам юқори даражага кўтарилиб бораверади.

Жорий йилда ўтказиладиган халқаро пахта бозорига “Пойтуғ”, “Буз” пахта тозалаш корхоналарида тайёрланган толар ҳам юборилади. Ушбу корхоналарда етиштирилган пахтани сифатли қабул қилиб олиш, қайта ишлаш жараёни юқори даражада ташкил этилган. Таъкидлаш жоизки, вилоятда парваришланган 93 минг 400 гектар майдондаги гўзанинг 47 минг 796 гектарини Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали селекци-

онерлари томонидан яратилган “Андижон-35”, “Андижон-36” ва “Андижон-37” навлари ташкил этади.

– Икки йилдан буён гўзанинг “Андижон-36” навини парвариш қилаёмиз, – дейди Марҳамат туманидаги “Мақсудов” фермер хўжалиги раҳбари Даврон Мақсудов. – Натижа кутилганидан ҳам ортиқ бўлмоқда. Биринчи теримнинг ўзидаёқ режани 110 фоизга бажардик. Бугун-эрта 40 центнерлик маррани эғаллаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, пахтанинг тиниқлиги, ҳар чанокдаги ҳосилнинг салмоғи навнинг тўғри танланганидан дарак бериб турибди. Энг муҳими, Президентимиз ташаббуси билан 2005 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси боис дунё бозорига ўзбек пахтасига бўлган талаб ва қизиқиш тобора ортиб борапти.

Қобилжон АСҚАРОВ,  
“Qishloq hayoti” муҳбири.

## Юксалиш одимлари

### Самарқанд Вилояти

### ИПАК ТОЛА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Пастдарғом туманида “Elbek TRJ” кўп тармоқли ишлаб чиқариш-савдо фирмаси томонидан ипак тола тайёрлаш йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ “Хамкорбанк”нинг вилоят филиали томонидан ажратилган имтиёзли кредит ҳисобига хориждан замонавий технология келтирилиб, пиллани шу ерда қайта ишлаш имконияти яратилди.

Мазкур технология ёрдамида йилига 50-60 тонна пиллани қайта ишлаш мумкин. Маҳсулотни юртимиз ва хориждаги тўқимачилик корхоналарига етказиб бериш кўзда тутилган. Айни пайтда Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон давлатларидаги ҳамкорлардан буюртмалар олинган.

Цех ишга туширилиши билан ўттиз нафарга яқин киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг аксариятини касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади.

Ақбар ҚАРШИЕВ

### Навоий Вилояти

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Навоий кон-металлургия комбинатиға қарашли “Дўстлик” агрофирмасида боғдорчилик, паррандачилик, асаларчилик, мева-сабзавот ва сутни қайта ишлаш сингари тармоқлар йўлга қўйилган.

Сутни қайта ишлаш цехида айни пайтда 24 нафар киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда йилига 1,5 минг тонна сут қайта ишланади. Мева ва сабзавотни қайта ишлаш цехида эса 20 га яқин киши доимий иш ўрнига эга. Қадокланган маҳсулотлар асосан комбинат тизимидаги корхоналарга етказиб берилмоқда. Утган йили асаларчилик хўжалигида 40 оила асалари парваришланиб, 200 килограмм асал олинди. Ушбу ёрдамчи хўжаликда жорий йилда 500 килограмм асал етиштириш режалаштирилган.

Азимжон ХУШВАҚОВ

### Сурғарё Вилояти

### ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТОТЛИ НЕЪМАТЛАР

Сайхунободлик ёш тадбиркор Рашид Қўшоқов “Ипотека банк”нинг Сурғарё вилояти филиалидан олинган 40 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига Янгиер шаҳрида кунига 1000 дона қолипчи нон ишлаб чиқариш қувватиға эга цех фаолиятини йўлга қўйди.



Фурқия ТОШМАТОВ олган сурат.

Замонавий технология билан жиҳозланган цехда 4 та янги иш ўрни яратилди. Сифатли тайёрланган нонлар аллақачон ўз харидорларини топиб улгурди.

– Келгусида цехда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, нон сотиш дўконини очиш чораларини ҳам кўряёмиз, – дейди “Барака иссоқчон маҳсулотлари” МЧЖ раҳбари Рашид Қўшоқов.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ





Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига асосан фаолият бошлаган ушбу банк ўтган йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг энг ишончли ҳамкорига айланди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши эса банкнинг тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлари кўламини янада кенгайтириш имконини яратди.

Мазкур банк мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга давлат дастурларининг амалга оширилишида ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир лойиҳаларни зарур маблаг билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорликни, аёллар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар жойларда, айниқса, қишлоқларда тадбиркорларнинг бошланғич сармоясини шакллантиришга замин яратётганлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга катта ҳисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Қуйдаги лавҳаларда ҳам шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

### ХУНАРДАН – БАРАКА УНАР

Коллежни битиришим арафасида ўқий давомида ўрганган хунарни буйича куллолчилик устахонаси очиб, икки нафар укамни ёнимга олиб, иш бошлашга қарор қилдим.

Иш бошлашим учун бизнес режа туздим. Банк ходимлари бизнес режамни маълумлашди. Қисқа вақтда менга йиллик 3 фоизли бўлган 3 миллион 950 минг сўм микро-

кредит ажратилди. Ҳозир куллолчилик устахонамида тайёрланаётган сопол буюмларга талаб ортиб, буюртмачилар ҳам кўпайиб борапти. Хунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатайман. Келгусида "Микрокредитбанк" билан ҳамкорликда ишларимни янада кенгайтирмоқчиман.

**Азизбек АХМАДЖОНОВ**  
Шаҳрихон тумани Янги ҳаёт маҳалласи.

### Ёшлар ишончи бежиз эмас

Банк томонидан амалга оширилаётган ишларда ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этаётди. "Микрокредитбанк"

ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натигада жойларда, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб,

уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдирishга хизмат қилапти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқдалар.

### ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилатир. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун".

Ушбу тамойил ҳам юртимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганининг ёрқин намунасидир. Келинг, бу жараёндаги ишларни "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки мижозлари фаолиятида кўрамиз.

Навоий шаҳридаги "Рухона Нозима Моҳина" масъуляти чекланган жамиятида 15 нафар тикувчи меҳнат қилмоқда. Жамиятда ҳозирги кунда тикувчилик, тўқувчилик, патдўзлик, қуроқчилик, каштачилик маҳсулотлари ҳамда болалар ва аёллар оёқ кийимлари тайёрланмоқда.

Тайёрланган маҳсулотлар буюртма асосида савдо нуқталарига етказиб берилмоқда.

Мазкур корхонага айна кунларда "Микрокредитбанк" ОАТБ Навоий вилояти филиалининг 150 миллион сўм миқдордаги кредити эвазига замонавий дастгоҳлар олиб келиш режалаштирилмоқда. Ушбу режа амалга ошса, цехда яна 10 та иш ўрни яратилади. Уларга асосан коллеж битирувчиларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

**Маърифат ШАРИПОВА**



### СОДДАЛАШТИРИЛГАН ЖАРАЁН

"Микрокредитбанк" ОАТБ жамоаси яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда, уларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришда, фаолияти ривожига маблағлар йўналтирмоқда.

Бу эса банк фаолияти барқарорлигини таъминлаб, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкорига айланишига омил бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, мана шу ишонч банк фаолиятининг янада кенгайтириши – мамлакатимизнинг барча ҳудудларига ўз хизматлари билан кириб бориши учун шартли яратмоқда.

Мазкур молия муассасаси мижозлари учун замонавий электрон ҳисоб-китоблар тизимига асосланган, такомиллашган банк хизматларини тақдир этиб келмоқда. Жумладан, тобора оммавийлашиб бораётган, қулай имкониятларини намоён этаётган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг электрон тарзда амалга ошириладиган пластик картчаларга асосланган

тўлов тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Жараёнларни соддалаштириш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида амалиётга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, масофадан ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва молиявий ахборотларни алмашиш тизими: интернет-банк, "SMS-bank", "SMS-to'lov", "SMS-online" интерфаол мобил тармоқлари янада такомиллаштирилмоқда.

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

## БАНК МАДАДИ БИЛАН АМАЛГА ОШМОҚДА

### ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ишларда "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келаётди. Банкнинг шу мақсадда мижозларга тақдир этилаётган хизматлари оилалар учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оилалардаги фарзандларнинг замонавий,

тадбиркорларнинг ўз фаолиятини янада ривожлантиришида қўл келмоқда.

Навоий шаҳри Гулистон маҳалласидаги "Dovudbek sito" оилавий корхонасида 15-20 турдаги болалар ва катталар учун кийимлар ишлаб чиқарилмоқда.

– Корхонамизда "Микрокредитбанк" ОАТБ Навоий вилояти филиалидан олинган 7 миллион 900 минг сўм имтиёзли кредит эвазига замонавий тиқиш дастгоҳлари олиб келиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, – дейди корхона раҳбари Муҳаррам Якубова. – Ушбу дастгоҳлар ёрдамида бир

кунда буюртма асосида 50-60 та трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида хориздан янги технология келтириб, корхона қувватини янада оширишни мақсад қилганмиз.

Тадбирлининг тадбири – элга фойда ҳар бири, дейишади. Дарҳақиқат, бир кишининг хайрли тадбири билан бир неча оиланинг рўзгорига барака киради.

Бугун қўллаб тадбиркорлар Муҳаррам Якубова сингари банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз мақсадларига етмоқда, оиласи фаровонлигини ошириб, юртга нафи теғмоқда.

**Азизжон ХУШВАҚОВ**



Фурқат ТОШМАТОВА тасвир қилган сурат.

### ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ ИШГА ТУШДИ

Сайхунбод туманида тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улугбек Ниёзов "Сайхун текстиль бизнес" ҳамда "Сардор текстиль бизнес" тикувчилик корхоналарини фаолиятини йўлга қўйишди.

Бунда "Микрокредитбанк" Сирдарё шаҳар филиали томонидан

уларнинг ҳар бирига ажратилган 40 миллион сўм кредит муҳим аҳамият касб этди. Ушбу корхоналар ишга туширилиши билан 24 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Сармоя эвазига энг замонавий тикув машиналари олиб келиб ўрнатилгани иш унумининг ошишига сабаб бўлмоқда.

– Қишлоқ жойларда замонавий

корхоналарнинг пайдо бўлиши Президентимиз раҳнамолигида биз, тадбиркорларга ярати берилётган имконият ва шароитлар маҳсулдир, – дейди "Сайхун текстиль бизнес" корхонаси раҳбари Улугбек Ниёзов. – Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамыз. Бунда ҳам банк мададига суянамыз.

**Б. БЕКМУРОДОВ**

### БАНК МАДАДИ БИЛАН ФАОЛИЯТИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги, соҳани ривожлантиришга хизмат қилувчи имтиёз ҳамда имкониятлар ярати берилётгани биз тадбиркорларни янги марралар сари ундамоқда.

Албатта, ҳар қандай тадбиркорлик, аввало, пухта бизнес-режа, сўнгра молиявий маблаг орқали шакллантирилади. Шу маънода айтганда, тадбиркорнинг иши молия муассасаси билан ҳамкорлик эса юксак фақиятларга мустаҳкам гаров бўлади.

Сўнги йилларда банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора "қисқариб" бормоқда. Яъни молия муассасасининг мижоз учун қулай шартларда тақдир этилаётган хизматлари тури кенгаётгани, аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани шундай дейишга асос бўлади. Қолаверса, банк томонидан тақдир этилаётган хизматлар, биринчи навбатда, мижоз манфаати устуворлигини кафолатлайди.

Бунга бизнинг фаолиятимиз ҳам яққол мисол бўла олади. Корхонамизда қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этдик. Бунда "Микрокредитбанк"нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 миллион сўм имтиёзли кредит қўл келди. Ушбу маблаг эвазига дастлаб цех биносини мукамал таъмирладик, сўнгра ускуналар олиб келиб ўрнатдик.

Ҳозирда бу ерда қандалат маҳсулотларидан ташқари 2 та нон пишириш ва 1 та хамир қориш ускунаси ёрдамида бир-кеча кундузда 1500 донагача қолипи нон ҳам тайёрланапти.

Музработ агросервис касб-хунар коллежи битирувчилари Жуманазар Утаганов, Исқандар Жумаев каби ёшлар ушбу линиянинг ишга туширилиши туфайли доимий иш ўрнига эга бўлишди.

Хуллас, бугун қўлида хунари ёки уқуви бор ҳар қайси инсон "Микрокредитбанк" эътиборидан четда қолмаяпти. Уларнинг қобилияти ва маҳорати банк маблағлари эвазига юзага чиқаётди.

Мағназа БОБОЕВА,  
Музработ туманидаги "Музработ иссиқ нон" хусусий корхонаси раҳбари

### КЎП ТАРМОҚЛИК ҚАНОТИ

Фермерлик ҳаракати ривожланишининг янги bosқичига қадам қўймоқда. Бугунги фермер бундан саккиз-ўн йил олдинги ер эгаларидан тубдан фарқ қилади. Яқин йилларда ҳам эътибор режани бажариб, мўл ҳосил кўтаришининг мақсад қилган фермерлар фанатликда, уни қайта ишлаш, керак бўлса, экспортбop тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш лозимлигини англаб етишди.

Бу жараёнда бизга мададкор бўлаётганлар қаторида банкларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Яқинда фермер хўжалигимизда нон ишлаб чиқариш ва тикув цехларини ишга туширдик. Бунда "Микрокредитбанк" Сирдарё вилояти филиали томонидан ажратилган 40 миллион сўм банк кредити қўл келди. Сармояга замонавий тикув машиналари, нон тайёрлаш печлари олиб келиб ўрнатдик. Энг муҳими, қўшимча яна 10 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

Банкнинг ишбилармон аёлларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, бизнес фаолиятларини ривожлантириш, иқтисодий ва маиший шароитини ҳамда уларнинг оиласи фаровонлигини юксалтиришга кўмаклашиш учун кўрсатиладиган микромолиявий хизматлари кўлами кенгайиб бораётгани обод турмушнинг мустаҳкам замини бўлади.

Назозат НОРХЎЖАЕВА,  
Боев туманидаги "Ҳасанбой Аҳтам ўғли" фермер хўжалиги раҳбари.

Банк томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, аҳоли даромади барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармоя сифатида микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун микрокредитлар ажратиш ва уларга лизинг хизматлари кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида изланишлар олиб борилаётди.

Иқтисодий тараққиёт ҳар бир мамлакатнинг куч-қудратини, шу ерда яшаётган оилалар фаровонлигини ва юртининг осойишталигини таъминлайдиган асосий омилдир. "Микрокредитбанк" кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлар экан, ўзининг катта имкон яратадиган микрокредитлари билан ҳар бир хонадонга яна ҳам яқинроқ кириб бораверади.

**Банк матбуот хизмати**

Мижоз эътирофи

"Микрокредитбанк"нинг амалиёт бўлими мижозиман. Ушбу банк томонидан аҳоли ва мижозларга сифатли ҳамда тезкор банк хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

### БАҲРИ ДИЛИНГИЗ ОЧИЛАДИ

Энг муҳими, ходимларнинг ширинсўзлиги, тажрибали ва тезкорлигини да мамнунмиз. Тўғри-да, кунда бўлмаса ҳам кунора банкка ишингиз тушади. Коммунал тўловлар дейсиз, пул жўнатмалари дейсиз, ана шунда корингизга банк ярайди. Баъзан ташвиш билан, баъзан тушуниб, тушунмай келганингизда банк ходими чиройли муомала қилса, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатса, йўл-йўриқ берса, керакли тушунчани етказса олса, баҳри дилингиз очилади, кўнглингиз равшан тартади.

**Сарвиноз АХМЕДОВА**  
Тошкент шаҳри.

Магазинга боргунча сумкамни таксида унутиб қолдирибман. Энг асосийси, сумкада ҳаммени ҳам қолиб кетган экан. Ҳар қалай, ҳаменимда нақд пул кам, барчаси пластик карточкада эди. Тезда банкка хабар қилдим. Бизга хизмат қилдиган банк ишончимизга яқин жойда. Бордим. Пластик карточкамни қайтадан аниглаб беришди.

### ХИЗМАТДАН МАМНУНМИЗ

Уша кунни магазиндан харид қилмоқчи бўлган барча нарсани олиб, уйга келдим. Бир неча кундан кейин уй телефонида жинглик қолди. Олсам, такси хизматидан экан. Таксичи сумкамни уларга топширибди. Ёндафтарчада манзилим қайд этилганди, шундан топишибди. Уларга раҳмат айтиб, сумкамни олиб келдим.

Шу ўринда айтмоқчи эдимки, пластик карточка – қулай, ихчам ва ишончли ҳамени экан. Бу хизматни жорий этишган банк ходимларининг хизматидан ҳам мамнунлигимни изҳор этмоқчиман.

**Гулнора МАҲМАТОВА**  
Тошкент шаҳри.

Наманган вилояти

МУКОФОТЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ЖОНКУЯР МУРАББИЙ

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан Янгйўрғон туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Каримжон Абдурахмонов "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланди. Бу ҳушхабар туманга тез овоза бўлди. Ёш авлод баркамоллиги йўлида меҳнат қилаётган жонкуяр мураббийни, таниш-билишлари, ҳамкасблари, қишлоқдошлари табриклашга тушди.



Гоят хушфелъ, содда бу инсонни биринчи кўришдаёқ етук мураббий эканини фаҳмлайсиз. Жиккак гавдали, камсукум ва ҳамша жиддий қиёфадаги Каримжон Абдурахмоновнинг ҳаракатларида адоқсиз гайрат ва ишга фидойилик кўриниб туради.

У она қишлоғи Поромондаги 49-умумтаълим мактабда чақирқиқча ёшларни тайёрлаш ва жисмоний тарбия фанлари ўқитувчиси бўлиб ишлаган кезлари мактабда миллий кураш тўғарагини ташкил этди. Кейинроқ Исковтодаги 31-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабда белбоғли кураш тўғарагини бошқарди. Унинг ёш авлод тарбияси йўлидаги фидойи меҳнатлари муносиб баҳолалиниб, 2005 йил II-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Ёшлиқдан курашга меҳр қўйиб, Бахтиёр Юсуфбеков,

Йўлдошбой Ботиров, Нейматжон Тўхтаназаров, Сотиболди Холмирзаевдан кураш ширларини пухта ўрганди. Ҳозирда узининг ҳам кўплаб шогирдлари бор. Қувонарлиси, шогирдлари турли мусобақаларда 10 га яқин олтин, 40 дан ортиқ кумуш, 45 дан зиёд бронза медалларини қўлга киритишган.

Шогирдларига ибрат бўлган мураббийнинг ўзи ҳам бир неча бор республика, Марказий Осиё чемпионатлари ғолиби бўлган. Спорт устаси, белбоғли кураш бўйича биринчи тоифали мураббий, республика тоифасидаги ҳакам, факрийлар ўртасидаги кураш мусобақаларининг бир неча бор совриндори ҳамда белбоғли кураш туман терма жамоаси бош мураббийи ҳисобланади.

Каримжон аканинг отаси кураги ерга тегмаган, давра олиб кураш тушиб юрган полвон эди. Ота изидан борсин Каримжон ака ҳар йили Наврўз байрами муносабати билан Поромонда кураш сайли ўтказиб, унга қўшни қишлоқлардаги ёшу қари кураш ишқибозларини ҳам таклиф этади.

Истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан ўзбек курашига қаратилган эътибор бошқалар каби Каримжон аканинг ҳам гайратига гайрат, кучига-куч қўшди. Унинг миллий курашимиз ривожини йўлидаги саъй-ҳаракатлари ана шу эътибор боис қадр топди. Каримжон Абдурахмонов

ўз касбининг фидойиларидан. "Эл-юрт хурмати" орденига лойиқ топилгани хабарини ҳам Қашқадарёнинг Чироқчи туманига мусобақага кетаётиб эшитди. Уни илк бор телефон орқали туман ҳокими Тоҳиржон Рапиқов кутлади.

— Ўша кези кўнглим тоғдай юксалди. Кўнглимда ҳаяжон ва фахр билан Қашқадарёга етиб бордим — дейди К.Абдурахмонов. — Яқинларим, дўст-оғайниларим, қишлоқдошларим мени мусобақадан қайтган кутловлар билан қаршиладилар. Ёшлар тарбиясига ўзининг бор тилим ва тажрибасини сарф этаётган Каримжон ака меҳнати боис элдам обрў-ҳурмат топди. Рустамжон МИРАЗИМОВ

## Эълонлар

### Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! I. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯҲОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚҲИДАГИ ИНШООТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объектлар номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм	Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм	Бажариш муддати
1	Наманган шаҳри, Истиқлол кўчасидаги "Баркамол авлод" спорт мажмуасини жорий таъмирлаш.	2 503 039 724	2 085 866 437	150 кун
2	Наманган шаҳри, Давлатобод массивидаги «Енгил саноат» коллежининг 360 ўринли ётоқхонасини мукамал таъмирлаш	2 137 707 746	1 781 423 122	150 кун
Лот-35/1	Наманган шаҳридаги «Наманган муҳандислик технологиялар институти» ҳудудини ободонлаштириш, ташқи муҳандислик коммуникация тизимини таъмирлаш ва 200 ўринли енгил конструкциядан ошхона қуриш.	613 241 203	511 034 336	150 кун
Лот-35/2	Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳ кўчасидаги «Паҳлавон» спорт мажмуасини, сузиш ҳавзасини жорий таъмирлаш.	876 190 793	730 158 994	150 кун

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, А. Темури кўчаси, 105 уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжинириг компанияси. Тел: (8369) 233-53-78, 233-06-11.  
**Лойиҳани молиялаштириш:** Талим ва Тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ва ҳомилик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.  
**Диққат! Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади;**

### Кичик бизнес субъектлари раҳбарлари диққатига! II. ШИМОЛИЙ ФАРҒОНА МАГИСТРАЛ КАНАЛ БОШҚАРМАСИ ҚҲИДАГИ ИНШООТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Наманган вилояти, Поп туманидаги, шимолӣ Фарғона магистрал канали «Тузулқой» ПК 1115К74 дюкерини ҳимоялаш**  
**Объектни бошланғич нархи ҚҚС билан** 146 194 404 сўм. ҚҚСсиз 121 828 670 сўм.  
**Яқунлаш муддати** — 60 кун.  
**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Чаманзор массивида жойлашган Шимолий Фарғона магистрал канал бошқармаси Тел: (8369) 237-11-55, факс 237-36-01.  
**Лойиҳани молиялаштириш:** Республика бюджетди маблағи ҳисобидан амалга оширилади.  
**Диққат.** 500 млн. сўмгача қийматда бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни бажариш учун пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.  
**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам

бўлмаган миқдориди айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мавжудлигига, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлиш, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.  
Маҳаллий ва хоржий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади.  
Қатнашчиларнинг тижорат таклифларининг тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатлариға мувофиқ импорт қилувчилар қўшим қиймат солиғидан озод қилинади-ган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер

таклифлари қатнашчиларнинг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.  
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига — қуйидаги манзилга — Наманган шаҳар, Навоий кўча, 22 уй, Тел.факс (8-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.  
Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи - 100 000 сўм  
Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.  
Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати - офёрталарни очилиш куну ва соати.  
Таклифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А. Навоий кўча, 22 уй.

## Реклама ва эълонлар

### Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БАХМАЛ ТУМАНИ «ГУЛБУЛОҚ» ҚҲИДАГИ «ИБН СИНО» ҚВП ҚҲИДАГИ ОБЪЕКТ БҲИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“Жиззах вилояти Бахмал тумани “Гулбулоқ” ҚҲИ даги 50 қатновли ҚВП биносини реконструкция қилиш”.  
**Объектнинг бошланғич қиймати:** ҚҚС сиз 262,312 млн. сўм, ҚҚС билан 314,774 млн. сўм  
**Ишларни тугаллаш муддати:** 2014 йил 30 майгача.  
**Ишларни молиялаштириш:** Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.  
**Буюртмачи манзили:** Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Гулбулоқ ҚҲИ.  
**Телефон:** (8372)-504-88-20. Факс:  
**Диққат!** 500 млн сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 % ташкил қилади.  
**Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20% миқдориди айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни

қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.  
Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: офертларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.  
Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига — қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.  
Жиззах ш. Ш.Рашидов кўчаси 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.  
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 минг сўм.  
Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.  
Офёрталар танлов савдоси ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати - офёрталар очилиш куну ва соати.  
Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш. Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 64-уй, кичик мажлислар зали.

**Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.**

**Гарантия**

**Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.  
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

**Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь**

Тел.: 99895 170-32-52

**Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.**

Товары сертифицированы, услуги лицензированы.  
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

### Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ОАТ «ТУРОНБАНК»НИНГ ШАҲРИСАБЗ ФИЛМАЛИ ҚҲИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ УЧУН ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНАЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

“ОАТ “Туронбанк”нинг Шахрисабз филиали биносини капитал таъмирлаш”.  
**Объектнинг бошланғич нархи** қўшилган қиймат билан бирга — 478.678.700 сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 398.898.900 сўм, қурилишнинг тугаллаш муддати — 5 ой.  
**Буюртмачи:** Қашқадарё вилояти ОАТ “Туронбанк”нинг Шахрисабз филиали.  
**Манзили:** Шахрисабз шаҳри Ипак йўли кўчаси 2-уй. Тел. (8-375) 522-50-70.  
**Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш**—ОАТ “Туронбанк”нинг Шахрисабз филиали маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилди: танлов иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларига четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган холда баҳоланади.  
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — “Давар хитектурилиш” кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни

шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уй. Телефон/Факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.  
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90 000 сўм.  
Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати офёрталар очилиши куну ва соати.  
Таклифлар (офёрталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда — Қарши шаҳар Хонобод шоссеси кўчаси 46А-уйда ўтказилади.

Қўриқот т. Давлат Солиқ Инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "GS ENGINEERING CONSTRUCTION CORP" нодавлат муассасасига тегишли бўлган (FOR CUSTOM CLEARANCE) думалок мулк йўқолишига сабабни бекор қилишди.  
"RESPECT INSURANCE PLUS" МҲЖ номига берилган думалок мулк ва буржак тамғаси йўқолиши сабабни бекор қилишди.  
Уверенный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент, Чиназарский р-н, Чиназар-7, д. 19, кв. 9, выданный Чиназарским БТИ на имя Ташкумудияра Зухрилла Рикиевична, считать недействительным.  
Уверенный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент, Чиназар-9, кв. 10, кв. 39 выданный кадастровой службой Чиназарского р-на на имя Успенской Людмила Евгеньевна, считать недействительным.  
ООО "EXCLUSIVE BUILDING INVEST" (ИНН 302429064) зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства холдинга Юнус Абдурашад р-н г. Ташкент расположенное по адресу: г. Ташкент ул. А.Темур д. 25, лицензируется (протокол № 2, 10.10.2013 г.), Претензия принимается в течении 2 месяцев со дня публикации объявления.  
Ташкент ш. Улчева т. ТСРЙ томонидан (10.10.2013 й., реєстр № 0113719) рўйхатдан ўтган яқоз тариқидан таъдиркор Хусниддини Камолидин Дамолмидиновича (ИНН 449136077) тенгши думалок мулк йўқолишига сабабни бекор қилишди.  
Ташкент ш. Улчева т. ТСРЙ томонидан (реєстр № 003641-01, 09.03.2010 й.) рўйхатдан ўтган "LUXERA BUSINESS SERVICES" МҲЖ (ИНН 301552031) Устав фонди 26 380 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайилганини маълум қилди. Давлатдор 2 ой ичра 311-30-08 тел. рақами орқали қабул қилинади.  
ООО "POZIS SERVICES GROUP" (ИНН 300850802) зарегистрированное ИПС холдинга Мирабдого р-н г. Ташкент (№ 003267-03 от 30.05.2008 г.) расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабдого р-н, ул. Яши Заман, д. 4, кв. 16, (в соответствии с протоколом собрания учредителей № 1 от 09.10.2013 г.) лицензируется. Претензия принимается в течении 2-х месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 120-30-85.  
Ташкент ш. Улчева т. ТСРЙда (30.07.2013 г., реєстр № 005967-01) рўйхатдан ўтган "SAVCONATI BO'LAYUK" МҲЖ (ИНН 302673601) ўз фалонининг ўтказилиши (тугатилиши) маълум қилди.

### Вниманию руководителей организаций и предприятий! ТАШКЕНТСКИЙ ОБЛАСТНОЙ ХОКИМИЯТ ПИСКЕНТСКОГО РАЙОНА ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Строительство административного здания хокимията Пискентского района по ул. Мустакиллик в г. Пискент Ташкентской области».  
Стартовая стоимость с НДС — 790 227 290 сўм  
Стартовая стоимость без НДС — 658 522 741 сўм  
Срок строительства — 3 месяца.  
При прочих равных условиях предпочтение отдается субъектам малого бизнеса.  
Финансирование проекта будет осуществляться за счет спонсорских средств.

**Организатор торгов:** Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.  
**Заказчик:** Хокимият пискентского района Ташкентской области.  
**Адрес заказчика:** Ташкентская обл. г.Пискент ул. А.Тимура №138 дом.  
**К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования:** наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выпол-

нению собственными силами на конкурсному объекту.  
При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортные в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.  
Для участия на торгах и приобрете-

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Агротехнология комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилк ва идоралар.

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдувахоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анавар КУМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-76, Иқтисомий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Матбуот ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.  
ХУДУДЛАРДАГИ МУҲИМЛАР:  
Корақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:**  
236-26-50,  
233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** Н.ТИЛЛАЕВ  
Музаҳхис: Мусаххис: О.ОЧИЛОВ  
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА